

Сийрат дарслари (209-дарс) Қўшнига яхшилик қилиш



19:00 / 16.12.2022 3524

806. Абу Малиҳ бир кишидан ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бир уловга мингашиб кетаётган эдим. Уловлари қоқилиб кетган эди, «**Бадбахт шайтон!**» деб юбордим. Шунда у зот: «**Бадбахт шайтон демагин. Сен бу гапни айтсанг, шайтон уйдек семириб кетиб, «Менинг кучим билан (улови қоқилиб кетди)», дейди. Ундан кўра «Бисмиллаҳ» дегин. Сен шундай десанг, у кичрайиб, пашшадек бўлиб қолади», дедилар».**

Абу Довуд ва Ҳоким ривоят қилишган.

807. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Менга Жаброил қўшнига яхшилик ҳақида шунча кўп тавсия қилдики, ҳатто уни меросхўрим қилиб қўйса керак, деб ўйладим»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

808. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳга қасамки, мўмин бўлмас! Аллоҳга қасамки, мўмин бўлмас! Аллоҳга қасамки, мўмин бўлмас!»** дедилар. «Ким, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди. **«Қўшниси (унинг) ёмонликларидан омонда бўлмаган киши»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

809. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, қўшнисига озор бермасин. Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини икром қилсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхши гап айтсин ёки жим турсин»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

810. Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ҳой Абу Зарр! Қачон шўрва пиширсанг, сувини кўпроқ қилгин-да, қўшнилариингга ҳам бергин»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

811. Оиша розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, менинг иккита қўшним бор. Улардан қай бирига ҳадя қилай?» дедим. **«Сенга эшиги яқинига»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан